

## Устки қўл пастки қўлдан яхшидир | Сийрат дарслари (282-дарс)



19:00 / 17.05.2024 3113

420. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай хутба қилдилар:

**«Зиқналикдан сақланинг! Албатта, сиздан аввал ўтганлар зиқналик туфайли ҳалок бўлишган. Уларни бахилликка амр қилди, бахиллик қилишди. Уларни алоқаларни узишга амр қилди, алоқаларни узишди. Уларни фожирликка амр қилди, фожирлик қилишди».**

*Абу Довуд, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.*

421. Ҳориса ибн Ваҳб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидагиларни айтганларини эшитдим: **«Садақа қилинглари. Бир киши садақасини олиб борса, уни берилган одам: «Агар кеча келганинда қабул қилар эдим. Энди эса, менинг унга ҳожатим йўқ», дейди. Уни қабул қиладиган кимсани топмайди».**

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

422. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минбарда туриб садақани, иффатни ва тиланчиликни зикр қилдилар: **«Устки қўл пастки қўлдан яхшидир. Устки қўл нафақа қилувчи, пастки қўл сўровчи»**, дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

423. Адий ибн Ҳотим розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дўзахни зикр қилдилар ва ундан паноҳ сўрадилар. Сўнг юзларини уч марта орқага бурдилар ва: **«Дўзахдан бир дона хурмонинг ярми билан бўлса ҳам сақланинглари. Уни ҳам топмасангиз, ширин сўз билан»**, дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

### ***Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.